

Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла: Термиз туманидаги 5 та маҳаллада мезон асосида ишлар амалга оширилди



Хабар берилганидек, туманимиздаги 5 та маҳаллада, «Қўнғирот», «Мустақиллик», «Қуёшли юрт», «Янгиобод» ва «Гулистон» маҳаллаларида мезон асосида инфратузилмани яхшилаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун обод масканга айланган ушбу маҳаллаларда «Наврӯз» умумхалқ байрами сайллари ўтказилди.

Тадбирларда туман ҳокими Шуҳрат Назаров бошчилигидаги туман сектор раҳбарлари иштирок этишди. Туман фаоллари видеоконференсалоқа шаклида вилоят ҳокими билан мулоқот қилиб, Президентимиз ташаббуси билан аҳоли учун яратилган қулайликлар ва янгиланишлар учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Туман ҳокими маҳаллаларда бўлиб, дошқозонларда қайнаётган сумалак ҳамда сайл тадбирларида ҳам иштирок этди, фаоллар ва нуронийлар билан сұхбатлашди. Сайл иштирокчиларини Муборак Рамазон ойи ҳамда «Наврӯз» умумхалқ байрами билан табриклиди.

Тадбир иштирокчилари юртимиз тинчлиги, дәхқончиликларимиз барокати ҳамда Наврӯзи олам, шарқона янги йилимизнинг файзли келишини тилаб дуога қўл очишиди.